


Надомат келтирувчи яхшилик



11:00 / 17.10.2020 3243

Муаллақот соҳибларидан саналувчи, жоҳилият даврининг буюк ва машҳур шоирларидан бири бўлмиш Зуҳайр ибн Абу Сулмонинг ажойиб бир байти бор:

?? ????? ????????? ?? ??? ?????

??? ????? ??? ????? ?????

Яъни: «**Кимки яхшиликни ўз ўрнига қўймаса, унинг мақтови мазамматга айланади ва оқибатда бу иши учун надомат қилади**».

Киши яхшилик деб ўйлаган қандайдир эҳсон, эзгулик ва мурувватни ёхуд инфоқ ва сарф-харажатни ҳақиқий лойиқ бўлган ўрнига ишлатмас экан, қилган «эзгулиги» учун оладиган мақтови танқид ва мазамматга айланади, охири мазкур ишига пушаймон бўлади.

Давримизда бўлаётган воқеалар ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу «шоирлар шоири» дея мақтаган ва бошқалар тарафидан ҳам «ҳакимуш шуаро» («шоирларнинг донишманди») дея улуғланган Зухайрнинг бу сўзлари кўзимга ғоятда тўғри ва ибратли бўлиб кўринди.

Аслида ҳам шундай эмасми?! Аллоҳ бизни ўринбосар қилиб қўйган дунёни, қўлларимизга синов ва имтиҳон учун вақтинча бериб қўйган молу мулкни ўз ўрнига ишлатмасак, яхшилик деб ўйлаганимиз иш ўзимизга мазаммат бўлиб қайтар экан. Оқил киши халқ танасида қанчадан-қанча беркилмаган ёриқлар, малҳам кутиб турган яралар турган бир вақтда ўзим топганман, ўзим биламан қабилда беҳуда ёки охириги даражадаги ишларга катта мол-дунёни соғуриб юбормайди. Шунингдек, «Қаердан биласизлар, уни бошқа яхши ишлари ҳам бордир, ўша ишларни қойиллатиб қўйиб, кейин бундай ишларга пул сарфлагандир!» деган маънода калтабинлик ҳам қилмайди. Зеро, хато иш ўнта тўғри ишдан кейин бўладими, юзта фойдали ишдан кейин бўладими, барибир хатолигича қолади.

Молу дунё мўминнинг савоб сармояси, жаннатга олиб боровчи уловидир. Мўмин киши ўзига берилган бу неъматни Ҳақнинг розилигига васила қилади ва кечаю кундуз, ўнгу сўлга эзгулик уруғларини сочади, эҳсон дарахтларини экади ва шу тариқа жаннатдаги уйини обод этади. Ўзларига бойлик неъматни берилган кишилар Абдурахмон ибн Авф, Абдуллоҳ ибн Муборак, Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит ва юқорида айтганимиздек, бойлигини жаннатга олиб боровчи улов қилган бошқа олийжаноб инсонларни ўртак ва намуна қилсалар нур устига нур бўлади. Бу иши бошқаларга яхшилик борасида ибрат бўлиб қолади, ўзидан таъна-дашномларни, пушаймонликларни четлаштиради.

Алишер Султонхўжаев,

Тошкент ислом институти

ўқитувчиси